

## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 20-27 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ТУРИЗМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ



**Саидов Уткир Уралбоевич**  
Туризмни ривожлантириш  
иимий-тадқиқот институти тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада туризм соҳасида давлат ва хусусий секторлар ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг концептуал асослари, аҳамияти, давлат-хусусий шериклиги (кейинги ўринларда ДХШ) орқали туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги туристлик йўналишларни яратиш ва мамлакатга кўпроқ туристларни жалб қилиши масалалари, шунингдек ДХШ механизмларини қўллашнинг назарий асослари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** Давлат-хусусий шериклик (ДХШ), сектор, концепция, стратегия, туризм инфратузилмаси, ДХШ механизмлари, ДХШ моделлари, туризм объектлари.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида мамлакат раҳбарияти томонидан бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Сўнгти йилларда амалга оширилган амалий чора-тадбирлар ва соҳани ривожлантиришнинг норматив-хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлар натижасида мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар сони ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифати бирмунча ошиди. Туризм инфратузилмаси йилдан-йилга замон талабларига мослаштирилмоқда.

Шунга қарамасдан, Ўзбекистонда туризм соҳани ривожлантириш борасида мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Модомики, мамлакатимизда 7000 дан ортиқ тарихий обидалар мавжуд бўлиб, бу кўрсаттич Ўзбекистонни ЮНЕСКО маълумотларига асосан дунёдаги тарихий обида ва туристик ресурсларга энг бой 10 та давлатнинг бирига айлантириди<sup>1</sup>. Ушбу потенциалдан самарали фойдаланиш, туризмни Ўзбекистон иқтисодиётининг “драйвери”га айлантириш ҳамда туризм хизматлари экспортини 5 миллиард АҚШ долларига етказиши “Ўзбекистон 2030 стратегияси<sup>2</sup>”нинг муҳим вазифаларидан хисобланади.

Маълумки, туризм соҳасини ривожлантириш нафарқат бир қатор соҳалар, балки бир неча секторларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини талаб қилувчи, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларга таъсирчан бўлган

<sup>1</sup> БМТ Тараққиёт дастури ахборотномаси №2 2007 й.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

комплекс жараён ҳисобланади. Ушбу жараёнда давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги (ДХШ) нафақат туризм балки унга ёндош кўплаб соҳаларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Дастлаб “давлат-хусусий шериклик” (ДХШ) тушунчаси ва унинг тарихига тўхталиб ўтсак. Ушбу тушунча халқаро миқёсда “Public-Private Partnership (PPP)” атамаси билан қўлланилади ҳамда унинг пайдо бўлишига XX асрнинг 50 йилларида таълим соҳасини давлат ва хусусий сектор иштирокида молиялаштиришга қаратилган лойиҳалар асос бўлиб хизмат қилган<sup>3</sup>.

Ушбу тушунчага кўплаб олимлар томонидан турлича таърифланади. Бугунги кунга қадар ДХШ тушунчасининг барча томонидан бир хил тан олинган таърифи мавжуд эмас. Бироқ, жаҳон миқёсидаги бир қатор илмий ва амалий ишларда қўлланиб келинаётган ҳамда умумийликка яқин бўлган таърифларни келтириб ўтиш лозим.

Жумладан, иқтисодчи олим В.Г. Варнавскийнинг таърифлашича ДХШ – бу давлат ва бизнес ўртасидаги институционал ва ташкилий ҳамкорлик бўлиб, икки томоннинг моддий ва номоддий ресурсларини ўзаро манфаатли шартномавий асосда бирлаштиришни назарда тутади. Бу кенг кўламли соҳаларда, жумладан, саноатнинг асосий тармоқларидан тортиб то илмий-тадқиқот ишлари ва жамоат хизматларини кўрсатишига қадар жамият учун муҳим бўлган лойиҳалар ва дастурларни бажариш мақсадида амалга оширилади<sup>4</sup>.

АҚШнинг Давлат-хусусий шериклик бўйича миллий кенгаши ижрочи директори Р. Норментта кўра, ДХШ – ҳар қандай даражадаги давлат тузилмаси ва хусусий сектор ташкилоти ўртасидаги шартномавий келишувдир. Ушбу келишув орқали ҳар икки секторнинг кўникма ва активлари жамоатчилик фойдаланиши учун хизматлар ёки обьектларни яратиш мақсадида бир-бирини тўлдиради. Ресурслардан биргалиқда фойдаланиш билан бир қаторда, ҳар бир томон потенциал хавфлар ва фойдани бўлишади<sup>5</sup>.

Америкалик профессор П. Розенаунинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ДХШ ҳам бозорнинг, ҳам давлатнинг муваффақиятсизликларини олдини олишга қодир бўлган ҳуқуқий кооперация шакли сифатида пайдо бўлди ва ҳар икки томоннинг энг яхши жиҳатларини шундай уйғунаштириши мумкинки, натижада синергетик ижобий таъсир юзага келади<sup>6</sup>.

Секторлараро шериклик муносабатларинида асосий эътиборни иқтисодий жиҳатларга қаратган олим Т.В.Арцердир. У шерикликни икки гурухга бўлиб ўрганишни таклиф қиласди. 1) Тред-юнионистик, яъни меҳнат муносабатлари нуқтаи назаридан. 2) Секторлараро, яъни жамиядаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ўзаро шериклик. Олимнинг таъкидлашича, секторлараро шериклик бир тизим бўлиб, бу тизим миллий иқтисодиётни модернизация


<sup>3</sup> Морковской Е.И., Механизмы государственно-частного партнерства, Теория и практика // Учебник и практикум, Москва, «Юрайт», 2019 г., с.14.

<sup>4</sup> Варнавский В.Г., Партнерство государства и частного сектора: форма, проекты, риски. Москва, Наука, 2010.

<sup>5</sup> Norment, R. Fundamentals of Public-Private Partnerships (PPPs), 2007; [www.ncppp.org](http://www.ncppp.org).

<sup>6</sup> Rosenau, P. Public-Private policy partnerships // Cambridge, MA: MIT press, 2000.

қилишга қаратилиши лозим. Бунда қуйидаги элементларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ<sup>7</sup>:



*Расм 2 – Секторлараро шериклик системаси*

*Манба:* Журнал “Проблемы современной экономики”, № 3 (39), 2011 г.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ДХШ, унинг асосий принцип ва механизмларини иқтисодиёт тармоқларида қўллаш масалалари бўйича мамлакатимизда кам сонли илмий-назарий изланиш олиб борилган. Н.Юсупов ва Ф.Карабаевлар ҳаммуаллифлигида 2013 йилда чоп этилган “Теория и практика государственно-частного партнерства”<sup>8</sup> (Давлат ва хусусий сектор шериклиги назарияси ва амалиёти) номли ўқув модули, У.Жуманиёзовнинг уй-жой қурилиш соҳасини бошқаришда ДХШни қўллаш борасидаги тадқиқотларини<sup>9</sup> мисол сифатида келтириш мумкин.

Кўриниб турганидек, юқоридаги тадқиқотлар туризм соҳасида энг самарали тарзда қўлланиши мумкин бўлган ДХШ механизмларини Ўзбекистон шароитида қўлланиши ва унинг самарадорлигини таъминлашни назарда тутмайди. Шунга қарамасдан бир неча илмий тадқиқотчилар бу борада изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, Д.Мамаюсованинг “Legal framework for development of touristic potential based on PPP”<sup>10</sup>, Д.Ишанходжаеванинг “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасидаги ДХШнинг ҳозирги ҳолати”<sup>11</sup> ишлари кам сонли ишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон 2030” стратегияси изчил амалга оширилаётган бир пайтда, иқтисодий ва ижтимоий тармоқларга ДХШ принципларини жорий этиш, давлат ва нодавлат секторларнинг бу жараёндаги иштирокини янада кенгайтириш масалалари алоҳида аҳамиятта эга. Жумладан, туризм соҳасини

<sup>7</sup>Арцер Т.В. Социальное партнерство государства, бизнеса и некоммерческих организаций — основа инновационного развития России. Журнал “Проблемы современной экономики”, № 3 (39), 2011 г.

<sup>8</sup>Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства, Учебный модуль ТПП, Ташкент 2013 г.

<sup>9</sup> Джуманиязов У.И. Совершенствование механизмов корпоративного управления в сфере жилищного строительства на основе государственного-частного партнерства: автореф., д-р экон. наук. Ташкент, 2018.

<sup>10</sup> Д.Мамаюсованинг Legal framework for development of touristic potential based on PPP, Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice <https://www.bulletennauki.com>

<sup>11</sup> Ишанходжаева Д.А. Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасидаги давлат-хусусий шериклигининг ҳозирги ҳолати. Scientific journal of “International finance and Accounting”, Issue 3, June 2023, ISSN: 2181-1016

ривожлантириш фақатгина бир соҳа ёки ташкилотнинг саъи-ҳаракатларига боғлиқ бўймасдан жамиятдаги уч сектор давлат, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро самарали шериклик муносабатларини ўрнатишига боғлиқ.

Ушбу тадқиқот давомида ДХШ тушунчасини туризм соҳасида қўллашнинг турли ёндашувлари ҳамда соҳа олимларининг бу борадаги қарашларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Туризм соҳасига ДХШни қўллаш бўйича назарий тадқиқотлар ўтган асрнинг етмишинчи йилларида АҚШ ва Европада ривожлана бошлади. К.Ганн, Ф.Котлер, Л.Зендер, Ч.Карти каби олимлар туризм соҳасини ДХШ орқали ривожлантиришнинг илк назарияларини яратдилар. Уларнинг дастлабки назарияларида туризм соҳасининг ўзига хос хусусияти сифатида уни ривожлантиришнинг турли омилларга боғлиқлиги ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликсиз уни ривожлантириш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилади<sup>12</sup>. Мазкур соҳа бўйича изланишлар 1990 йилларнинг охирига келиб сон ва сифат жихатидан бирмунча кўпайди. Айниқса, 2005 йилдан сўнг олиб борилган тадқиқотлар туризм соҳасини айнан ДХШ орқали ривожлантириш анчагина ижобий самара беришини исботлаб берди. Кўплаб олим ва мутахассисларнинг таъкидлашича, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жаҳон иқтисодиётининг деярли барча тармоқларини ДХШ тамойиллари орқали ривожлантириш масаласини кун тартибининг долзарб масалаларидан бирига айлантирди. Шу жумладан туризм соҳаси ҳам жамиятдаги секторларнинг ўзаро манфаатли шериклик алоқалари орқали жадал ривожлантирилди. Бунинг яқъол самараси сифатида инқироз даврларида ҳам туристлар оқими муттасил равишда ошиб борди.

Кузатишларга асосланиб ДХШни туризм соҳасига жорий этиш бўйича олиб борилаётган илмий ишларни икки турархга ажратиш мумкин:

- 1) ДХШни фақатгина давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига асослаб ўрганиш.
- 2) ДХШни давлат, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига асослаб ўрганиш.

Туризм соҳасида ДХШ тушунчаси И.С.Кабиров, И.И.Эзрет, Э.К.Бараблина, Г.К.Паскариу, К.Э.Силлигнакис, Ю.В.Кудрявцева, А.Т.Тлеубердинова, Т.А.Лаврова ва бошқа олимлар томонидан таърифланган. Яъни, туризм соҳасида ДХШ – бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги туризм соҳасидаги долзарб муаммоларни бартараф этиш йўлидаги ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорлиқdir<sup>13</sup>.

Бошқа бир гурух олимларнинг таъкидлашича, туризм соҳасидаги ДХШ – бу туризм соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат, хусусий тадбиркорлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамда самарадорликка асосланган ҳамкорлиқdir<sup>14</sup>.

**Бизнинг фикримизча**, туризм соҳасида ДХШ – бу туризмнинг соҳавий ва ҳудудий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, давлат, хусусий сектор ҳамда

<sup>12</sup> Clare A. Gunn "Public-private partnership in tourism", Oklahoma Tourism and Recreation Conference, 1976.

<sup>13</sup> Kabirov I.S. "Theoretical aspect of public-private partnership in the sector of tourism", Economics. 2010.

<sup>14</sup> Ezreth, "PPP and CPPP models for sustainable tourism development in Kerala tourism in Kerala", International journal of business and administration research review, Vol.2, Issue, Jan-March 2014.

фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги аниқ вақт давомида, аниқ лойиҳа доирасида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган, ўзаро манфаатдорлик, тенглик, қонунийлик ва самарадорлик принципларига асосланган шериклик муносабатлари мажмуудир.

Туризм соҳасида ДХШ механизм ва тамойилларини қўллашда ҳар бир давлат олдида маълум бир муаммо ва тўсиқлар юзага келиши табиий ҳолат ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантиришда ДХШ механизм ва воситаларини қўллаш муаммолари бўйича бир қатор олимлар, жумладан, Э.А.Каменских, М.В.Якименко, М.С.Виленская, М.А.Кравченко ва бошқалар қатор тадқиқотлар олиб боришган. Масалан, М.В.Якименко ва М.С.Виленскаяларнинг таъкидлашича, туризм соҳасида ДХШ механизмларидан фойдаланиш бўйича қўйидаги муаммолар мавжуд:

1. Хусусий корхоналар фаолият эркинлигининг чегараланганлиги;
2. Ҳудудларни ДХШ орқали ривожлантириш учун танланган ҳудудлар туристик салоҳиятининг пастлиги;
3. Сармоядорлар томонидан сарфланган маблағларнинг ўзини қоплаш даражасининг пастлиги;
4. ДХШ лойиҳаларига бюджет маблағларининг жуда кам миқдорда ажратилиши;
5. Ҳудудларда туризмни комплекс тарзда ривожлантириш дастурларининг етарли даражада эмаслиги ва бошқалар<sup>15</sup>.

Муаллифларнинг қайд этишича, юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун туризм кластерларм механизмини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Э.А. Каменских эса Россияда туризм соҳасига ДХШ принципларини жорий этишда учраётган муаммоларни икки қисмга ажратади: 1) ДХШнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар. 2) ДХШ асосида амалга оширилувчи лойиҳаларни самарали тарзда молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар<sup>16</sup>.

Юқоридаги каби муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда туризм соҳасини ДХШ орқали ривожлантириш ишларига жиiddий тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини топиш мазкур масалани концептуал жиҳатдан чуқур таҳлил этишни талаб қиласди.

Туризм соҳасини ривожлантиришда нафақат давлат ва хусусий сектор, балки фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш масалалари М.Запата, К.Сенг, Ю.В.Кудрявцева, Ш.Менон ва бошқаларнинг изланишларида кенг талқин этилган. Жумладан, К.Сенг Сингапурда туризм соҳасидаги ислоҳотларни қайта кўриб чиқишида ҳамда уни янада рақобатдош турмаҳсулотлар билан ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлигини эътироф этади<sup>17</sup>. М.Запата эса Испанияда

<sup>15</sup> Якименко М.В., Виленская М.С. «Проблемы ГЧП в сфере туризма», Южный федеральный университет, Таганрог, Россия 2012 г.

<sup>16</sup> Каменских Э.А. «ГЧП как эффективный метод взаимодействия по формированию и развитию кластера туристско-рекреационных услуг», Мир науки, выпуск 2 -2013 г.

<sup>17</sup> Can Seng "State-Civil society relations and tourism: Singaporeanizing tourists, Touristifying Singapore", Journal of social issues in Southeast Asia/ Vol.20, No.2, 2005.

туризм соҳаси ривожланишини янада тезлаштириш мақсадида ҳукумат ташаббуси билан бу соҳада фаолият қўрсатувчи “гибрид ташкилотлар”, яъни давлат ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари ривожлантирилганлигини таъкидлайди. Бундай ташкилотлар асосан ҳусусий сектор вакилларига инновацион ғоялар тақдим этиш, соҳадаги кадрлар малакасини ошириш ҳамда туристик маҳсулотлар истеъмоилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Уларнинг молиялаштирилиши давлат ва ҳусусий корхоналар томонидан йўлга қўйилган<sup>18</sup>.

Россиялик олим Ю.В.Кудрявцеванинг таъкидлашича, туризм соҳасидан олинадиган даромадлар тақсимланганда уларнинг 95 фоизи ҳусусий сектор ташкилотлари ҳиссасига, 5 фоизи эса давлат ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади. Яъни давлатнинг туризм инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш учун сарфлаган маблағлари ўзини қопламайди<sup>19</sup>. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳусусий сектор ташкилотлари ўртасидаги шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ишларига ҳусусий сектор корхоналарини янада кенгроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу нарса туризм соҳасини бошқаришга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқишида эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади.

ДХШ механизмларини туризм соҳасини ривожлантириш учун қўллаш бўйича илк социологик тадқиқотлардан бири 2000 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) томонидан ўтказилган. Мазкур тадқиқотда ташкилотта аъзо 90 та давлатдан ўн мингта яқин респондентлар иштирок этган. Тадқиқот натижаларига мувофиқ, сўровномада иштирок этган туризм соҳасига алоқадор давлат, нодавлат ва ҳусусий ташкилотларнинг 98% туризм соҳасининг ривожланишида ДХШнинг ролини “жуда муҳим” ва “муҳим” дея таъкидлашган<sup>20</sup>.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти эксперталарининг таъкидлашларича, туризм соҳасига ДХШ механизмларини қўллашнинг қуидаги асосий сабаблари мавжуд<sup>21</sup>:

- Янги туризм маҳсулот ва хизматларини ривожлантириш зарурати;
- Ресурсларни самарали тарзда сафарбар этиш зарурати;
- Шериклар ўртасида нафақат молиявий балки қарорлар қабул қилиш борасидаги таваккалларни тақсимлаш зарурати;
- Соҳани ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва самарали тажрибаларни ўзаро алмашиниш зарурати;
- Лойиҳа иштирокчиларининг молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда молиявий ресурсларни йўналтириш лозимлиги ва ҳоказо.

ДХШ муносабатларининг концептуал асосларини ўрганиш жараёнида шуни аниқладикки, ушбу масалани Ўзбекистон миқёсида фундаментал тадқиқотлар

<sup>18</sup> María José Zapata, C. Michael Hall “Public–private collaboration in the tourism sector: balancing legitimacy and effectiveness in local tourism partnerships. The Spanish case” Journal of Policy Research in Tourism, Leisure and Events/ Vol. 4, No. 1, March 2012, 61–83

<sup>19</sup>Кудриявцева Ю.В. Государственно-частное партнёрство при формировании государственной политики в области туризма: российский и зарубежный опыт// Вестник института Социологии, 2012 г. Декабрь №5

<sup>20</sup> Quote by the World Tourism Organization Business Council report on Public-Private Sector Co-operation in Tourism, UNWTO, 2001.

<sup>21</sup> The Travel & Tourism Competitiveness Report 2009. World Economic Forum, Geneva, Switzerland, 2009

үтказиш, шунингдек, мазкур муносабатларнинг энг оптимал вариантиларини илмий жиҳатдан асослаш ва амалиётга жорий этиш борасида ечимини кутаётган масалалар анчагина. Уларни ўз вақтида ижобий ҳал этишда чуқур фундаментал тадқиқотлар натижасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, бой хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистонга мос механизм ва моделларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ДХШ нинг қонуний асослари 2019 йилга келибина мустаҳкамлана бошлади. Жумлдадан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни<sup>22</sup> қабул қилинди. Шунингдек, айнан шу йили Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонуни<sup>23</sup> қабул қилинди ва унинг б-моддасида ДХШни ривожлантириш туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида мустаҳкамлаб кўйилди.

Туризм соҳасида давлат ва нодавлат иқтисодий структуралар ўртасидаги ўзаро шериклик, авваломбор, мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат тасарруфидан чиқариш, солиқ ва божхона имтиёзларини бериш ҳамда ҳусусийлаштириш билан боғлиқ ҳолда ўрнатилади. Бунда асосий эътибор - иқтисодий секторда давлат улушини қисқартиришга қаратилади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар талайгина. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга қарамасдан давлат ва ҳусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизmlарини мустаҳкамлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, туризм соҳаси ривожланган бир қатор хорижий давлатларда ДХШ механизм ва принципларини соҳани ривожлантириш мақсадида қўллашнинг концептуал асослари мустаҳкамланган ҳамда муттасил давом эттирилмоқда. Ўзбекистоннинг бой туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш учун ДХШни туризм соҳасига янада кенг жорий этиш бўйича илмий изланиш ва тадқиқотларни кенгайтириш ҳамда концептуал асосларини мустаҳкамлаш талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Travel & Tourism Economic Impact | World Travel & Tourism Council (WTTC), 2023.
2. БМТ Таракқиёт дастури ахборотномаси №2 2007 й.
3. Quote by the World Tourism Organization Business Council report on Public-Private Sector Co-operation in Tourism, UNWTO, 2001.
4. Морковской Е.И., Механизмы государственно-частного партнерства, Теория и практика // Учебник и практикум, Москва, «Юрайт», 2019 г., с.14.
5. Варнавский В.Г., Партнерство государства и частного сектора: форма, проекты, риски. Москва, Наука, 2010.
6. Norment, R. Fundamentals of Public-Private Partnerships (PPPs), 2007, : [www.ncppp.org](http://www.ncppp.org).

<sup>22</sup> <https://lex.uz/acts/4329270>

<sup>23</sup> <https://lex.uz/docs/4428097>

7. Rosenau, P. Public–Private policy partnerships // Cambridge, MA: MIT press, 2000.
8. Clare A. Gunn “Public-private partnership in tourism”, Oklahoma Tourism and Recreation Conference, 1976.
9. Kabirov I.S. “Theoretical aspect of public-private partnership in the sector of tourism”, Economics. 2010.
10. Ezreth, “PPP and CPPP models for sustainable tourism development in Kerala tourism in Kerala”, International journal of business and administration research review, Vol.2, Issue, Jan-March 2014.
11. Can Seng “State-Civil society relations and tourism: Singaporeanizing tourists, Touristifying Singapore”, Journal of social issues in Southeast Asia/ Vol.20, No.2, 2005.
12. María José Zapata, C. Michael Hall “Public–private collaboration in the tourism sector: balancing legitimacy and effectiveness in local tourism partnerships. The Spanish case” Journal of Policy Research in Tourism, Leisure and Events/ Vol. 4, No. 1, March 2012, 61–83
13. Каменских Э.А. «ГЧП как эффективный метод взаимодействия по формированию и развитию кластера туристско-рекреационных услуг», Мир науки, выпуск 2 -2013 г.
14. Якименко М.В., Виленская М.С. «Проблемы ГЧП в сфере туризма», Южный федеральный университет, Таганрог, Россия 2012 г.
15. Тлеубердинова А.Т. и др. Концептуальная модель государственно-частного партнерства в сфере туризма. Экономика: стратегия и практика, №1(16), 2021 г. / 64-80 с.
16. Юсупов Н., Карабаев Ф. Теория и практика государственно-частного партнерства, Учебный модуль ТПП, Ташкент 2013 г.
17. Джуманиязов У.И. Совершенствование механизмов корпоративного управления в сфере жилищного строительства на основе государственного-частного партнерства: автореф., д-р экон. наук. Ташкент, 2018.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

